

Садақа қилувчи ва бахилнинг мисоли хақидаги боб



21:13 / 02.05.2017 5885

243. (290). Товусдан ривоят қилинади:

«Абу Хурайрадан эшитдим: **«Садақа қилувчи ва бахил мисоли темир тўн кийган икки киши кабидир. Иккисининг баданлари ёки қўллари (шак Хусайндан) кўксига ёки томоғигача чирмашган. (Садақа қилувчи) нафақа қилса, (темир тўн) кенгаяди. Ҳатто бармоқларини ёпади ва (қадамининг) изини ўчиради. Агар бахил садақа қилмоқчи бўлса, ҳалқалари торайиб, уни бўға бошлайди».**

Абу Хурайранинг яна «Абу Хурайра ўз кўзлари билан кўрди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам икки бармоқларини томоқларига қўйиб: **«У уни бўғади. У бўшаштиришга уринади. Аммо бўшашмайди»**, дедилар», деганини эшитдим».

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда садақа қилувчи сахий инсон билан садақа қилмайдиган бахил инсоннинг ҳолати жонли тасвирда баён қилиб берилмоқда.

«Садақа қилувчи ва бахил мисоли темир тўн кийган икки киши кабидир».

Икки киши темирдан ясалган тўнни кийиб олиб туришибди. Сиртдан қаралганда бир хилга ўхшашади.

«Иккисининг баданлари ёки қўллари (шак Ҳусайндан) кўксига ёки томоғига чирмашган».

Темир тўн кийган икки кишининг қўллари йиғилиб, кўксига ёки томоғига чирмашган. Улардан бири

«(Садақа қилувчи) нафақа қилса, (темир тўн) кенгаяди. Ҳатто бармоқларини ёпади ва (қадамнинг) изини ўчиради».

Сахий инсон садақа қилса, уни сиқиб турган темир тўн кенгаяди. У садақа қилгани сари темир тўн кенгайиб бораверади ва ниҳоят темир тўннинг энглари узайиб, бармоқларини ёпади, этаги эса ерга судралиб, оёқ изларини ўчиради.

Сахий одам хайру эҳсон қилгани сари эгнидаги совути кенгайиб, узайиб бориб, бутун танасини ҳимоя қилган киши каби бало-офатлардан сақланиб, натижада кўнгли ёзилиб боради.

«Агар бахил садақа қилмоқчи бўлса, ҳалқалари торайиб, уни бўға бошлайди».

Бахил эса совутининг ҳалқалари зичлашиб, бир-бирига киришиб бориб, бўғзига ёпишиб қолган одам каби ҳимоясиз бўлиб, борган сари зикналашиб, қалби торайиб боради. У турли йўллар билан ўзига таскин истайди, аммо иложини топа олмайди.

«У уни бўғади. У бўшаштиришга уринади. Аммо бўшашмайди».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шу гапларни айтаётиб, бармоқлари билан томоқларини бўғиб кўрсатганлар.

Бахилликнинг оқибати ана шундай оғир бўлади. Бахилликдан қутулиш учун кўп садақа қилиш лозим бўлади.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Яхшилик ва силаи раҳм китобидан)